

## Салавот айтишнинг вожиблиги



16:12 / 10 август 1079

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

نَوَّلَ صُيُءَ تَكَلِّمٍ وَهَلَلْنَا  
نِيْذِلًا أَهْيَا أَيُّ بِنَلَا يَلَع  
أُوْمَلَسَوِ هَيْلَعِ أَوْلَصِ أُونَمَ  
أَمِيْلَسَات

**«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга салавот айтурлар.  
Эй иймон келтирганлар! Унга саловот айтиш ва салом йўлланг»**  
(Аҳзоб сураси, 56-оят).

Салавот Аллоҳдан бўлса, бандаларига раҳмат, мағфират ва неъматдир. Фаришталардан бўлса, истиғфорлари ва хизматлари билан иззат-икром кўрсатмоқдир, умматларидан бўлса, дуо ва эъзозлашдир. (Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, Исмоил Ҳаққий Бурсавий, Элмалили, Қози Байзовий).

Ушбу ояти карима ҳукмига кўра, севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш (Аллоҳ таолонинг амри сифатида) фарздир. Аммо саҳиҳ қавлга кўра, муборак номлари зикр қилинганда салавот келтириш вожибдир. (Элмалили, «Ҳақ дини, Қуръон тили», 6-жилд, 33-саҳифа; «Тафсири Ҳилол», 4-жуз, 624-саҳифа).

Бунда бир мажлисда номлари зикр қилинса ёки ҳар гал номлари айтилганда салавот айтиш вожиб (Тафсири Қозий Байзовий, 4-жилд, 299-саҳифа) бўлади, деганлар ҳам бор. Баъзи муфассирлар: «Умрида бир марта салавот айтиш вожиб», деганлар.

Бу ҳукмларнинг далили, севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Олдида номим зикр қилинганида менга салавот айтмаган кишининг бурни ерга ишқалсин»**, деганларидир («Сунани Термизий», Дуолар китоби, 3545-ҳадис).

***«Энг гўзал салавотлар» рисоласидан***

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрь 03-07/6661-сонли ҳулосаси асосида чоп этилган.